

Асосий мақсад - йўллар равлонлиги



Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимидаги асосий пудрат ташкилотларидан бири – "Автомагистраль" унитар корхонасидир. Мазкур корхона фаолиятига назар ташлар экансиз, пойтахт ва Республикамиздаги таъмирланган ва қайта қурилган йўлларнинг салмоқли қисми мазкур корхона хиссасига тўғри келади.

Мазкур корхона томонидан амалга оширилган автомобиль йўлларидаги сўнги ишлардан бири – пойтахтдаги марказий киччалардан бири – Махтумқули кўчасидаги таъмир жараёнларидир. Йўловчиларга янада қулай шароит яратиш мақсадида кўчанинг 1 115,5 метр бўлган қисми таъмирланиб, 37 871 квадрат метр майдонга 5 426 тонна асфальт-бетон қоришмаси ётқизилди.





Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қаршли Тошкент Ботаника боғининг йўлаклари тўлиқ таъмирланиб, умумий майдони 54 793 квадрат метр майдонга 7 580 тонна асфальт-бетон қоришмаси ётқизилди.



Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати